Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

# ШАҲАР ТЕВАРАГИДАГИ МАШҲУР ҒОРЛАР

Замин сайқали дея эътироф этиладиган Самарқанд ўзига хос сифат ва хусусиятлари билан машҳур бўлган ғорларга эга бўлганини биласизми? Келинг, Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг «Самария» асари асосида бу ғорларга саёҳат қилайлик.

«Биринчи ғор Афросиёб қалъасининг ташқарисида, ҳазрат Хожа Санграсон мозорининг рўбарўсида бўлиб, унда қатор ҳужралар бордир ва баъзи ҳужраларда ўлган кишиларнинг суяклари кўп», деб ёзилган жумладан, мазкур асарда. Манбаларда қайд этилишича, Хожа Санграсоннинг асл исми Хожа Муҳаммад Хомуйи экан. Санграсон эса унинг лақаби. Ривоятларга қараганда, у самарқандликлар билан жанг қилган ислом лашкарига тош ташиб берган ва бу лақабни олган.

Иккинчи ғор Мискин ғори деб номланган. Бу ғор Сияҳоб ариғининг яқинида Талли деб номланган баландлик тагида экан. Маълумотларга кўра, бу ғорни машойихлардан бири Шайх Ходим ковлатиб, уни сўфийлар учун мўлжаллаган. Шайх Ходим Мовароуннаҳр ва Шошда зўр нуфузга эга ва кўплаб муридлари бўлган Шайх Маъдуднинг катта халифаларидан ҳисобланган.

Талли Муҳаммад Чап – Самарқанднинг учинчи машҳур ғори ҳисобланган. Ғор бора-бора Афросиёб қалъасининг тупроқлари тагида қолиб кетган. Унинг Сияҳоб ариғи устига қилинган Муҳаммад Чап кўпригидан ўтилганда катта йўлнинг ғарбида жойлашгани манбада келтириб ўтилган. Шуни қўшимча қилиш лозимки, мазкур кўприк орқали кишилар Боғи майдон ва Боғи баланд мавзеларига боришган.

Афросиёб қалъасининг тупроғи тўкилган ерда яна битта хосиятли ғор бўлган. Бу Хожа Дониёл ғори деб юритилган.

Ошиқон дея номланган бешинчи ғор ҳам анчайин машҳур бўлган. Манбада келтирилишича, мазкур ғор Самарқанд шаҳри қалъасининг кунчиқари ва қалъа ҳандақига яқин жойда бўлган. Бу ғорни ҳазрати Махдуми Хоразмий ковлатиб, сўфийлар учун жой қилган. Ғорнинг ичида қатор ҳужралар бўлган. Махдуми Хоразмий Кубравия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан бири бўлган Мавлоно Камолуддин Хоразмийдир. У ҳақда шеърият султони Алишер Навоий ҳам ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида тўхталиб ўтган. Ошиқон ғори Махдум вафотидан кейин бирмунча вақт давомида Самарқанд шаҳрининг қаландархонаси бўлгани «Самария» да келтирилади.

Самарқанднинг олтинчи машҳур ғори Кўҳак бўлган. «Бу ғор Кўҳакнинг шарқий томонида воқедир. Нақл қилишларича, мулло Саккокий исмли киши мана шу ғорда риёзат чекиб, 41 исмни тасхир этиш билан шуғулланган», дея ёзилган тилга олинаётган асарда. Қирқ бир исмни тасхир этиш Яратганнинг қирқ бир исми қайд қилинган махсус дуони ўқишдир.

Бир сўз билан айтганда, ҳатто ғорлар ҳам аждодларимизнинг маданий тараққиётидан далолат беради, тарихимиздан сўзлайди. Бу эса аждодларимизнинг кишилик тараққиётида муҳим аҳамият касб этганлигининг яна бир ёрқин далилидир.

**Дилафрўз РЎЗИЕВА.**



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧАНЛИК РУҲИДА

«Марғилон – бир сўзли, лафзи ҳалол, мард ва танти инсонлар юртидир», деганди Президентимиз Ислом Каримов. Балким шаҳарнинг Фарғона водийси марвариди, дея эътироф этилиши ҳам шундандир. Негаки, замонида улуғ, мўътабар зотлар камол топган Марғилон доимо бунёдкорлик, яратувчанлик руҳи билан яшаган. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг бу туйғулар янгича ранг олди, дея баралла айта оламиз.

«Мустақиллигимиз туфайли қайтадан маънавиятимиз кўз очаётган бир даврда ўзининг муборак тарихий тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрининг маданият ва санъат аҳли аждодлардан олтин мерос бўлиб келган халқ санъатининг барча қирраларини кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга етказадилар», дейди Фарғона давлат университети профессори Султонали Маннонов. Дарҳақиқат, Осиёни Европа билан боғлаган Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилон қадим-қадимдан буюк алломалар, уста–ҳунармандлар, санъаткорлар шаҳри, водийнинг тижорат маркази бўлган. Шунинг учун ҳам бу ерда маданият, санъат, ҳунармандчиликнинг нодир намуналари бор. Бугун ҳам бу анъана давом этмоқда.

Шаҳарнинг 2000 йиллиги муносабати билан Сойбўйи даҳасида «Ёшлар хиёбони» бунёд этилмоқда. Кираверишдаги маҳобатли дарвоза аллақачон қуриб, битказилган. Саккиз гектар майдонни қамраб олган мазкур хиёбон келажагимиз эгаларининг дам оладиган ажойиб маскани бўлиши учун вилоятнинг барча туманларидан қўли гул уста–ҳунармандлар жалб қилинган. Хиёбонда 566 ўринли амфитеатр қурилмоқда. Шунингдек, мажмуа лойиҳасида чойхона, болалар учун чўмилиш ҳавзалари, 4 та аквапарк, чархпалак, айвон қурилиши ҳам кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда асосий ишлар ниҳоясига етмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, марғилонликларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам улкан эътибор қаратилган. Маълумотларга кўра, тўйига тўёна тарзида 57 хонадон учун янги уй қуриб, битказилган. Бунда шаҳар, вилоятдаги тадбиркорларнинг ҳам ўзига хос ҳиссани таъкидлаш лозим. Ахир, танти, мард инсонлар юрти дея бежиз таъкидланмаган-да. Шаҳарликларнинг эҳтиёжлари учун давлатимиз томонидан 20 та автобус ажратилган. Табиийки, бу жамоат йўловчи транспорт тизимини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига 4та «Дамас», тез ёрдам автомашинаси берилди. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 518 оилага 1036 бош соғин сигир олиб берилди. Қолаверса, бундайин оилалар 150 дона тикув машинаси билан таъминланди. 400 та оиланинг ҳар бирига икки йил муддатга оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш учун 500 минг сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари 55 дона компьютер билан таъминланди. Бу эзгу ишларнинг замирида инсонпарварлик сиёсати ётади.

Юртимиз санъатининг ўзига хос бешиги ҳисобланувчи, Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов, Мадали Ҳофиз, Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Гавҳархоним, Лизахоним, Нурхон Йўлдошхўжаева, Болтабой Ражабов, Маматбуви Сатторов, Мукарама Турғунбоева, Бобораҳим Мирзаев, Саодат Қобулова, Берта Давидова сингари ўзбек санъатини жаҳонга танитган улуғ санъаткорлари билан машҳур бўлган Марғилон 2000 йиллик тўйи арафасида янада кўрк, янада чирой очмоқда.

**Сафар ҚУРБОНОВ.**

# «МИР – ВЫСШЕЕ БЛАГО»

**Конкурс рисунков под таким названием прошел в Молодежном центре социальных услуг Ташкентского района.**

Цель мероприятия, организованного по инициативе совета Ташкентского областного отделения ОДМ «Камолот», – выявление и всесторонняя поддержка талантливой молодежи, содействие осознанию молодыми того, что мир – это высшее благо.

Никого не оставили равнодушными рисунки более шестидесяти участников конкурса, в которых были затронуты темы Родины, мира, дружбы. Первое место заняли Шохсанам Давронова, Жамшид Мирвалиев, Отабек Юсупов и Дилрабо Толипова.

Победители награждены памятными подарками организаторов.

**Л.СУВОНОВ,**
**корр.УзА.**

# НОВЫЙ КОЛЛЕДЖ В КИШЛАКЕ

**В кишлаке Тортувли Сариасийского района Сурхандарьинской области сдан в эксплуатацию 720-местный профессиональный колледж бытовых услуг.**

Красивое здание колледжа, построенное в современном архитектурном стиле, возведено инжиниринговой компанией «Сариосиёсаноат-курилиш». Здесь будут готовить специалистов по десяти направлениям сферы услуг и сервиса.

– Для этого в колледже созданы все условия, – сказал руководитель инжиниринговой компании Фахриддин Низомиддинов. – Учащиеся будут заниматься в больших и удобных, по-современному оснащенных классах. Здесь также есть спортивный зал, библиотека, полностью оборудованные мастерские.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**корр.УзА.**

ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗ

# МАЪНАВИЙ САРЧАШМАЛАРИМИЗ – ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

**Пойтахтимиздаги Фото уйида «Шарқ-Ғарб. Тошкент чорраҳаси» деб номланган долзарб фото ва видео санъати биринчи Тошкент халқаро фестивали очилди.**

У Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Тошкент фото уйи, «Карвонсарой – бадиий мулоқот» (Франция) халқаро ташкилоти томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари кўмагида ташкил этилди. Фестивалнинг очилиш маросимига республика ижодий ташкилотлари, жамоат бирлашмалари вакиллари, хорижий дипломатлар ҳамда кўплаб санъат мухлислари тўпланди.

Диёримиз қадимдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ҳол нафақат савдо-сотиқнинг ривожланишига, балки Шарқ ва Ғарбнинг энг яхши маданий анъана ва ғояларини ўзида мужассам этган кучли ўзига хос цивилизацияларнинг тараққий этишига ҳам хизмат қилган. Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Юртимизда аждодларнинг улкан тарихий мероси асраб-авайланмоқда, замонавий санъатнинг барча турлари жадал ривожланмоқда. Бу борадаги фаолиятнинг асосини Президент Ислом Каримовнинг тегишли фармон ва қарорлари ташкил этади.

Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бошқаруви раиси А.Исахўжаев, Ўзбекистон бадиий академияси раисининг ўринбосари Ж.Миртожиев, Тошкент фото уйи директори Ш.Каримбобоева ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Ўзбек халқининг бой ва серқирра маданияти кўп хорижлик олимлар, кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортиб келади. Буюк ипак йўли ғоялари, ўзбек халқи маънавиятининг сарчашмаларига маданият арбоблари алоҳида эътибор қаратади. Олимларнинг топилма ва кашфиётлари рассомларни янги асарларни яратишга ундайди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган ва бу йил халқаро мақомга эга бўлган долзарб фото ва видео санъати фестивали ҳам буни тасдиқлайди. Халқимизнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида фестивалнинг очилиш куни унинг қатнашчилари Алишер Навоий номидаги Миллий боғда буюк шоир ҳайкали пойига гул қўйдилар.

Теран рамзий маънога эга «Connections» («Бирлашиш») мавзуига бағишланган фестивалда Ўзбекистон, Россия, Япония, Норвегия, Болгария, Греция, Миср, Жанубий Корея, Польша, Туркия, Украина ва бошқа мамлакатлар фото ва видео ижодкорларининг 400 га яқин ишлари намойиш этилмоқда. Уларнинг асарлари санъатда қадимийлик ва замонавийлик уйғунлигини намоён этади, турли услуб ва жанрларда ижод қиладиган энг яхши санъат усталарининг асарлари билан таништиради. Кўргазмада ҳаётнинг барча қирралари тасвирланган фотографиялар ва видеоинсталляциялар намойиш этилмоқда. Бу – ҳаётнинг қадри, ахлоқий мезонларнинг аҳамияти ҳақида томошабин билан ўзига хос мулоқотдир.

– Турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири жараёни бугунги кунда ҳам давом этмоқда,– деб таъкидлади фестивалнинг очилишида сўзга чиққан Франциянинг «Монпарнас» музейи директори Жан Ди. – Мен Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим, қадимий маданиятингизнинг бойлигидан, ёшларда санъатга қизиқишнинг кучлилигидан ҳайратда қолдим. Ҳозир биз Ўзбекистоннинг ижодий ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйяпмиз ва Францияда ўзбек маданиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш ниятидамиз.

Фестиваль 12 майгача давом этади. Унинг дастури доирасида Тошкент, Самарқанд, Хиванинг энг нуфузли галереяларида ҳамда Алишер Навоий номидаги Миллий боғда кўргазмалар ўтказилади. Турли мамлакатлар фото ва видео усталари ишлари Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидаги реклама ойиналарида ҳам намойиш этилади.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Число терактов выросло

Количество терактов в мире год от года увеличивается, несмотря на принимаемые меры. Еще в большей пропорции растет количество жертв среди местного населения. В 2006 году количество терактов в мире выросло на 25% по сравнению с 2005 годом. В то же время количество жертв среди мирного населения увеличилось на 40%, – сообщает международное информационное агентство Washington ProFile.



### Погибли сотрудники посольства

В ходе минометного обстрела Багдада погибли четыре филиппинских контрактника, работающих на правительство США, сообщает РИА Новости со ссылкой на AP. Они погибли в результате ракетного обстрела особо охраняемой «зеленой зоны», где расположены иракские правительственные учреждения и ряд иностранных дипломатических миссий.



### Выборы назначены на 22 июля

Турецкий парламент утвердил предложение Центризбиркома о проведении 22 июля в стране досрочных парламентских выборов. Его одобрила комиссия по конституционным вопросам турецкого меджлиса. Инициатором их проведения стала правящая в стране Партия справедливости и развития (ПСР), которую возглавляет премьер Тайип Эрдоган.



### Надежда на завершение войны

Спикер нижней палаты Конгресса США Нэнси Пелоси заявила, что демократы намерены добиваться завершения войны в Ираке, невзирая на президентское вето. Об этом она сказала, выйдя к журналистам по завершении встречи в Белом доме с президентом Бушем. Глава администрации принял у себя лидеров Конгресса от обеих партий с целью попытаться выработать компромиссное решение по законопроекту о выделении дополнительных средств для американских войск в Ираке, сообщает ИТАР–ТАСС



### Крушение поезда не принесет ущерба

Крушение поезда 2 мая в штате Алабама (США), который перевозил сегменты твердотопливных ракетных ускорителей для космического аппарата «Shuttle», не повлияет на запланированный на 8 июня запуск челнока «Atlantis».




### Теледебаты в прямом эфире

Телевизионные дебаты двух претендентов на пост президента Франции – кандидата правых Николя Саркози и социалистки Сеголен Руаяль – завершились без выявления явного победителя, передает Интерфакс. Дискуссия была уравновешенной, порой напряженной, по содержанию она была посвящена почти полностью социально-экономическим проблемам сегодняшней Франции. Международные вопросы в ходе дебатов практически не затрагивались.



### Срок дисквалификации увеличится

Предложение Международной ассоциации легкоатлетических федераций (IAAF) увеличить срок дисквалификации за употребление анаболических стероидов, гормонов (включая ЭПО) и амфетаминов, а также за отказ проходить допинг-контроль и махинации с пробами может быть рассмотрено на третьей Всемирной конференции Всемирного антидопингового агентства (WADA), которая пройдет 15–17 ноября в Мадриде. Совет IAAF принял резолюцию, рекомендующую увеличить срок дисквалификации за употребление отдельных видов допинга до четырех лет.



### Обнаружен ген продления жизни

Ученые Калифорнийского института биологических исследований, изучающие червей-нематод, нашли способ увеличить продолжительность жизни на 40%. Они обнаружили у червей ключевой ген, который тесно увязывает низкую калорийность пищи с долгожительством. Биологи в результате экспериментов доказали, что один из генов нематоды, а именно pha-4, ответственен за увеличение продолжительности жизни. Этот ген связывает потребление меньшего количества калорий с увеличением продолжительности жизни.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Многоборье

# НА ПЬЕДЕСТАЛЕ – ЛУЧШИЕ

В минувшие дни на базе спортивного комплекса Самаркандского ВВАКИУ проходил чемпионат войск Министерства обороны по многоборью военно-спортивного комплекса.

Сразу хотелось бы подчеркнуть, что соревнования войск Министерства обороны по различным видам спорта из года в год «набирают обороты». Из года в год улучшаются результаты, состязания проходят на высоком организационном уровне. Это яркое подтверждение того, что в подразделениях и военно-образовательных учреждениях проводится большая работа с военнослужащими по разным видам спорта. Не был исключением и прошедший чемпионат по многоборью ВСК. Соревнования были захватывающими и упорными, проходили на основе жесткой конкуренции.

Читатели уже знают о результатах бега на 100 м и подтягивания на перекладине. В минувшие дни завершились соревнования по метанию гранаты, бегу на 3 км и 1 км (3-я возрастная группа), и определились победители и призеры по многоборью ВСК.



В первой возрастной группе за главные награды чемпионата, в основном, борьба развернулась между капитаном Туйгуном Тоджиевым и лейтенантом Андреем Ореховым. Но сказался опыт капитана Т.Тоджиева, и он взял верх: грамотно построил «схватку», в ходе состязаний правильно и четко менял тактику. Таким образом, капитан Туйгун Тоджиев, набрав в сумме многоборья 4163 очка, завоевал первое место. А у второго призера лейтенанта Андрея Орехова в активе 3668 очков. Бронзовую награду чемпионата с результатом 3413 очков завоевал младший сержант Шухрат Эргашев.

В остром и упорном характере проходили соревнования и среди спортсменов второй возрастной категории. Здесь результативнее других участников по всем видам многоборья выступал майор Ульян Тимофеев. Как и ожидалось, он стал счастливым обладателем золотой награды, в сумме многоборья накопив 3165 очков. Не намного отстал от победителя младший сержант Шерали Юсупов. Он удостоился «серебра», набрав 2766 очков. Хорошую физическую подготовленность, выносливость и твердую волю к победе в этой возрастной категории продемонстрировал младший сержант Зохид Очилов (2446 очков). Он стал бронзовым призером чемпионата.

В третьей возрастной группе пьедестал почета получился чисто сержантским. На первую ступень по праву поднялся младший сержант Соиржон Меликов (2763 очка). На втором месте оказался младший сержант Кахрамон Мирзаев (2507 очков). Бронзовую награду завоевал младший сержант Фахриддин Эшкулов (2280 очков).

В общекомандном зачете призовые места распределились таким образом:
1-е место – СВВАКИУ (17462 очка);
2-е место – ТВОКУ (17141 очко);
3-е место – ЧВТКИУ (15676 очков).

По итогам чемпионата войск Министерства обороны по многоборью военно-спортивного комплекса многие военнослужащие также повысили свою спортивную квалификацию. 14 участников чемпионата выполнили норматив III разряда ВСК, 19 – II разряда, 24 – I разряда и 1 – кандидата в мастера спорта.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**









Самбо. Чемпионат Узбекистана среди мастеров

## ДВА «ЗОЛОТА» АРМЕЙЦЕВ

**В столичном спортивном комплексе «Жар» прошел очередной чемпионат Узбекистана среди мастеров борьбы самбо. В состязаниях приняли участие известные в прошлом самбисты республики из Каракалпакстана и всех областей и города Ташкента.**

Уровень конкуренции на данных соревнованиях на этот раз был очень высоким. Например, многократный чемпион страны, победитель международных турниров Талгат Яппаров («Динамо», Ташкент), который уже в ветеранском возрасте трижды становился чемпионом мира среди мастеров в весе до 62 кг, проиграл в финале с перевесом в один балл Вячеславу Белоброву из столичной команды ТТЗ. Стоит отметить, что Вячеслав также неоднократно становился призером чемпионатов мира среди мастеров.

Отрадно, что стопроцентного результата добились представители спортивного клуба МХСК. Наш коллега старший корреспондент газеты майор Хайритдин Зайнилов в весе до 62 кг не оставил ни одного шанса четверым конкурентам на ковре. В финале в упорном противостоянии с Чингизом Тохмазовым из Навои, который дважды становился призером чемпионата мира, одолел его со счетом 3:1. Еще один представитель спортивного актива МХСК Михаил Алиев в весе до 82 кг в решающем поединке за счет единственного выигрышного балла победил динамовца Кучкарбека Кузиева, также не раз успешно представлявшего Узбекистан на международной арене.

Достижение успеха стало еще одним наглядным подтверждением того, что в Вооруженных Силах нашей страны создаются все необходимые условия для активных занятий военнослужащими и служащими физической культурой и спортом, воспитания высоких морально-волевых качеств у армейских спортсменов. Проявив в полной мере свой армейский характер, спортсмены доказали, что на сегодня им нет равных.

Также чемпионами в своих весовых и возрастных категориях стали Медат Кавляметов из Сырдарьи, Шухрат Ходжаев (Бухара), ташкентцы Жахонгир Пирназаров, Зайнитдин Уринбаев и Феруз Агзамов, Александр Цой из столичной области, Улугбек Рахматов из Кашкадарьи, Асад Самандаров из Самарканда и другие спортсмены.

Победители и призеры этого чемпионата получают возможность защитить спортивную честь Узбекистана на чемпионате мира среди мастеров самбо, который состоится осенью этого года в столице Греции Афинах.

**Соб. инф.**

## ПЕРЕД ЧЕМПИОНАТОМ АЗИИ

В столичном комплексе «Жар» завершился чемпионат страны по борьбе самбо, где приняли участие около 150 мастеров ковра. В «споре» за награды участвовали известные во всем мире заслуженные спортсмены Республики Узбекистан Шавкат Жураев (52 кг) и Акобир Курбанов (90 кг).

Поединки во всех весовых категориях получились, как никогда, упорными и захватывающими. Оно и понятно. Ведь в начале июня в Ташкенте будет проходить чемпионат Азии. Поэтому каждый участник соревнований приложил максимум усилий и старания.

Но, как говорится, побеждают только сильнейшие. В своих весовых категориях на высшую ступень пьедестала почета, как и ожидалось, поднялись многоопытные спортсмены Ш.Жураев, А.Курбанов. Также золотые награды в упорнейших финальных схватках «добыли» Шухрат Муродов (57 кг), Озод Пардаев (62 кг), Замир Мухидов (68 кг), Акром Ишов (74 кг), Илья Сагиров (82 кг), Турсунмурод Нурматов (100 кг) и Одилжон Тулиндибоев (+100 кг).

– Проведение этих республиканских соревнований, – говорит старший тренер сборной Равшан Ахмеджанов, – ставило перед собой цель – определение сильнейших и готовность узбекистанской команды к чемпионату Азии. Данные состязания показали, что наши ребята в нужной спортивной форме.

**Майор Н. ХАЙРУЛЛАЕВ.**

Универсиада – 2007

## ШАҲАРЧА МУСОБАҚАГА ШАЙ

Маълумки, Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш мақсадида анъанавий «Универсиада» мусобақалари ташкиллаштириб келинаяпти. Хабарингиз бўлса керак, талабалар ўртасидаги «Универсиада–2007» беллашувларининг якуний босқичига бу йил Тошкент шаҳри мезбонлик қилади. Жорий йил июнь ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтиши назарда тутилган талабалар ўйинларининг бекаму кўст ўтиши учун айни пайтда барча шароитлар деярли тахт ҳолатга келтирилган. Жумладан, асосий спорт турлари бўйича ўтказиладиган ўйингоҳлар ҳисобланмиш «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Тошкент темир йўллари институти спорт мажмуаларида сўнгги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги лавҳамизда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида олиб борилган ишлар хусусида қисқача тўхталмоқчимиз. Зеро, «Универсиада–2007» мусобақалари иштирокчиларининг асосий турар жойи ҳамда баъзи спорт турлари бўйича ҳам беллашувлар ўтказиладиган ушбу шаҳарчада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда шаҳарча ҳудудида 26 таълим муассасасининг қирққа яқин турар жойи бор. Шаҳарчанинг 600 гектарлик катта майдонидаги ана шу уйларда 40 мингдан зиёд талаба ва ўқувчи, шунингдек, малака ошириш институтлари тингловчилари истиқомат қилади. Ўтган вақт мобайнида уларнинг турар жойлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янгилари бунёд этилди, замон талаблари асосида жиҳозланди. Уйларнинг атрофида эса равон йўл ва йўлаклар барпо қилинди. Хуллас, бугунги кунда бу ерда ёшларнинг ўқиши ва дам олиши учун барча зарур шароитлар муҳайё.

– Шаҳарча ҳудудида бизнинг саккизта талабалар турар жойларимиз мавжуд, – дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети талабалар турар жойлари дирекцияси директори Нўъмонжон Мамадалиев. – Айни пайтда бу ерда икки мингга яқин йигит-қизлар яшайди. Улар учун бино ичида барча шароитлар яратилган. Спорт зали, интернет тармоғига уланган компьютер хонаси, ошхона, дам олиш ва ювиниш хоналари улар ихтиёрида. Талабаларнинг тафаккурини бойитиш учун маънавият ва маърифат хоналарида турли тадбирлар тез-тез уюштирилиб турилади. Шаҳарчада маънавий-маърифий ишларни тизимли асосда амалга оширувчи «Маънавият ва маърифат» маркази ҳам фаолият юритади. Ўз ўрнида бу ерда йигит-қизларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан «Ёш ижодкорлар», «Мунозара», «Нотиқлар», «Ёш экологлар», «Қувноқлар ва зукколар», «Нафосат» клублари ҳамда «Ихтирочи ёшлар» гуруҳлари ёшларнинг зукколигини оширишга хизмат қилади.

Талабалар шаҳарчасида ёшларнинг жисмонан чиниқишини кўзлаб, янги спорт мажмуалари қурилди, борлари эса қайта таъмирланиб, замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланди. «Универсиада» мусобақаларининг баъзи турлари бу ерда ўтишини инобатга олиб, баскетбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, волейбол, қўл тўпи, енгил атлетика, сузиш, стол тенниси, теннис, шахмат ҳамда футбол каби ўндан ортиқ спорт турлари учун барча шароитлар яратилди. Бу ердаги кенг ва қулай спорт залларини кузатар экансиз, ҳар қандай нуфузли мусобақа кўнгилли ўтишига шубҳа ҳам қилмайсиз. Айниқса, Ўзбекистон миллий университети ҳамда Тошкент давлат техника университетида бунёд этилган гимнастика заллари ва сув спорти саройлари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Ўтган йил истиқлолимизнинг муборак айёми арафасида фойдаланишга топширилган ЎзМУга қарашли сув спорти саройи бугунги кунда пойтахтимиздаги энг катта замонавий спорт иншоотларидан бири ҳисобланади. Халқаро мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган ушбу мажмуа мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Бўйи 50, эни 21 метр, чуқурлиги эса 2,5 метр бўлган 8 та сузиш йўлакчаларига эга ушбу сув ҳавзасида сув спортининг кўплаб турлари бўйича бемалол мусобақалар ўтказса бўлади.

Айни пайтда талабалар бу ерда ўзларининг севимли спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини оширишмоқда. Хуллас «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ўзининг гўзал ва orasталиги билан «Универсиада–2007» мусобақаларини қаршилашга ҳар томонлама шай ҳолатда.

**Карина ҚУРБОНОВА.**

## ИСТИҚЛОЛ ШУНҚОРЛАРИ

Мустақиллик шарофати билан ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, уларнинг спорт билан шуғулланишларига кенг имконият очиб берилмоқда.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ҳамда талабалар сафидан жой олган ёшлар ўртасида «Истиқлол шунқорлари» спорт мусобақаси ўтказилди.

– Ушбу мусобақани ўтказишдан асосий мақсад, – дейди университет «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раиси Рустам Қобилов. – Биринчи навбатда талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўлса, иккинчидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган талабаларни тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак қилиб кўрсатишдир.

Мусобақада талаба-ёшлар спортнинг енгил атлетика, турникда тортилиш, бруссда ўйнаш, тош кўтариш каби турлари бўйича беллашдилар.

– Бу каби спорт мусобақалари бизнинг олий ўқув юртимизда тез-тез ўтказиб бориладиди, – дейди жисмоний тарбия факультети талабаси Аброр Жабборов. – Ҳарбий хизмат давомида, ҳарб илми сир-асрорлари билан бир қаторда жисмоний тайёргарлик машғулотларига ҳам катта эътибор қаратиларди. Шу сабабли турникда тортилиш бўйича биринчи ўринни эгалладим.

Якуний натижаларга кўра, бруссда ўйнаш бўйича Ваҳоб Сатторов, 24 килограмли тош кўтариш шартида Алишер Одилов, армрестлинг бўйича эса Отабек Маҳамматовлар биринчи ўринларни эгаллашди. Ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Нозим АҲРОРОВ.**



Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида

## ЁШЛАРНИ СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИБ

Миллий армиямиз сафларига отланаётган ўғлонларнинг жисмонан чиниқиб ҳар томонлама шаклланишида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят техник ва амалий спорт турлари марказининг ўзига хос ўрни бор. Бу ерда тегишли низомлар асосида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва бу борада спорт секциялари ишини йўлга қўйиш, услубчи-йўриқчи ва мураббийлар тайёрлаш, спорт мусобақалари ташкил этиш ҳамда ёшларни секция ва тўгаракларга жалб этиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Қашқадарё вилоят техник ва амалий спорт турлари марказида спортнинг картинг, мотоспорт, дуатлон, авиамодель, милтиқдан ўқ отиш, радиоалоқа секциялари фаолият юритаётган бўлиб, бу ерга посбонлик остонасида турган йигитлар жалб қилинган. Бугунги кунда ушбу секцияларда 80 нафарга яқин ёшлар спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ўз маҳоратларини оширишмоқда.

Бундан ташқари, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришда Китоб тумани ўқув-спорт техника клуби фаолиятига ҳам алоҳида тўхталмоқ лозим. Ўқув-спорт техника клубининг спортчилари мунтазам равишда нафақат вилоят миқёсида, балки республика мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни банд этиб келишмоқда. Жумладан, 2007 йилда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашди. Шунингдек, ралли-кросс бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида, авторалли бўйича Ўзбекистон биринчилигида ҳам клуб шунқорлари фахрли ўринларни банд этишди.

Бу ерда Ижтимоий ҳимоя йилида ходимларнинг маданий дам олишлари ҳамда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

**Нажим ХЎЖАМОВ.**
**«Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

